

Руҳий истаклар камайса, моддий истаклар кўпаяди



11:00 / 09.02.2021 1684

Очкўзлик ҳам зеҳни заифлаштиради, руҳ ва ақлни парда билан ўраб ташлайди. Бу ҳол нафсни тарбиялаш ва уни нуқсонлардан халос этишга тўсқинлик қилади. Бу билан инсон одамийликдан ҳайвонийликка юз тутаяди.

Алишер Навоий асарларини сўфийлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бу улўғ алломанинг ўзи том маънода сўфий бўлганлигини намоён этади. Эътиқодда қойим, тақвода шойим – бир сўз билан айтганда, шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўла-тўқис динимиз равнақи, эл-юрт ривожига хизмат қилган.

Навоий ўз ижодида нафсининг ўпқон экани ҳақида кўп далиллар келтиради. Жумладан, «Лисон ут-тайр» достонида қушлар ўзларининг раҳнамоси – Худҳудга шариатга доир саволлар беришади. Худҳуд саволларга жавоб берар экан, шариат ақидаларини тасаввуфий руҳда талқин қилади. Масалан, қушлардан бири сўрайди: «Лаънати иблис мени доимо васвасага солиб, ножўя хаёлларни кўнглимга келтиради, ундан қутулиш чораси нимада?». Худҳуд ўз жавобида айтади: «Иблис ташқаридаги ғайритабиий куч эмас, балки сенинг нафсининг ва хулқингдаги иллатларнинг ифодасидир,

чунки сенинг қалбинг кибру ғурур ва нуқсонларга тўлиб-тошган, уларни кўриб шайтоннинг ўзи ҳам қўрқиб, чўлу биёбонларга қочган бўлур эди».

Бу - парҳезкорлик, яъни ўзни тийиш, ҳазар қилиш. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки дунёдан парҳез этса, унинг нури тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади» деганлар.

Навоий унга шундай таъриф беради: «Зухд дунё орзуларидан кечмоқдур ва нафс аларнинг мавто захрини ичмоқдур ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмоқдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмоқдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмоқдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдир».

Ҳазрат Навоий руҳий истаклар озайгач, моддий истаклар кўпаяди, дейди. Айни тарзда очкўзлик ҳам зеҳни заифлаштиради, руҳ ва ақлни парда билан ўраб ташлайди. Бу ҳол нафсни тарбиялаш ва уни нуқсонлардан халос этишга тўсқинлик қилади. Бу билан инсон одамийликдан ҳайвонийликка юз тутаяди.

Зухд – нафс истакларини камайтириш, фикрни унинг орзулари ила банд этмаслик. Кунни чиройли матоҳлар ва лаззатли овқатлар ҳақидаги суҳбат ва баҳслар билан ўтказмаслик. Чунки ҳайвонлар ҳам деярли дуч келган жойда ўтлайди, доимий жун либосида юради, кўп-кўп ухлайди. На ўтмишдан ибрат олиш, на истиқбол андишаси бор уларда. Шундай ҳолда ҳайвонларнинг бахтли ёхуд иззатли бўлишлари ҳақида ўйлаб кўриш мумкинми? Йўқ, албатта. Бу зухдга мутлақо мувофиқ келмайди. Аммо ҳеч кутилмаган ва таъмасиз келган неъматлар қабул қилинади ва шукри лозим бўлади.

Алқисса, Ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижодини покиза ахлоқ ва гўзал тарбиянинг юксак намунаси сифатида тадқиқ қилиш даркор. Суфиёна қарашлар билан суғорилган унинг асарлари бугунги кунда ҳам, қолаверса келажак учун ҳам, айниқса ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди. Ботиний оламни ислоҳ қилиш билан зоҳирий оламни кўркамлаштириш илми, бу – тасаввуф экан, унинг таъсири атрофда ҳам кўринади. Адолат, қаноат, матонат, маърифат, шижоат каби эзгу фазилатлар улуғланган, ёшларининг қалбида шу каби сифатлар маърифий йўл билан сингдирилган жамиятда залолат, жаҳолат, қабоҳат каби иллатларга ўрин қолмайди.

Зайниддин Эшонқулов,

Самарқанд вилояти бош имом-хатиби